

МАҲКУМЛАР УЧУН САЙЁР ҚАБУЛ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Шу каби, туманимиздаги тўртинчи минтақавий ҳудуд 41-сон манзил колониясида ҳам 15 июнь куни Ўзбекистон Республикаси судьялар олий кенгаши раиси ўринбосари Х.Ёдгоров, Ўзбекистон Республикаси олий суди раиси ўринбосари Х.Турахуджаев, Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг раиси А.Рўзиқуловлар томонидан колонияда жазо муддатини ўтаётган маҳкум ва маҳкумалар билан сайёр қабул ўтказилди. Қабул давомида колонияда жазо муддатини ўтаётган 16 нафар маҳкумларнинг мурожаатлари тингланди. Сайёр қабул давомида жиноят ишлари бўйича Шеробод туман суди томонидан сайёр суд мажлиси ўтказилиб, колонияда жазо муддатини ўтаётган 11 нафар маҳкумларнинг ўталмай қолган жазо муддатлари ахлоқ тузатиш иши жазоси билан алмаштирилиб, озод этилди.